



### **ФАХРИЯ**

Ассалом, она юрт, тонглар ўлкаси,  
Таъриф-тавсифингни йўк нихояси.  
Сенга багишланур мукаддас кўшик  
Бу—ўзбек элининг ўз мадхияси.

Кўхна ота юртим, кадим Туроним,  
Ўз бешик, ўз тилим, шавкатим, шаъним.  
Етти иклим ичра тенги топилмас —  
Тупроклари олтин Ўзбекистоним.

То башар бор экан, бор экан куёш  
Бирлашган элга ёв отолмагай тош.  
Ёвкур йигитларинг, лочин кизларинг  
Ганимлар олдида эгишмайди бош.

Дастурхони очик, хирмони баланд,  
Самовий тоглари номига монанд.  
Оламга машхур не зотлар ватани  
Мехринг кон-кардошлар меҳрига пайванд.

Сен тошкин Жайхуним, теран Сайхуним,  
Сен—менинг ўтмишим, сен—ёруг куним.  
Елкадош ўлкалар билан хамнафас  
Шонли Туркистоним—Ўзбекистоним.

Гулинг гулзор бўлсин, кирларинг ўрмон,  
Дарёларинг денгиз, кўлларинг уммон.  
Худудинг дахлсиз, яловинг юксак  
Сен—шаркнинг машъали сен—доруломон.

### **ИЛТИЖО**

Бахор келса бошланур богда булбул хониши  
Саъва кумри нагмаси, суралай товланиши,  
Кирларда лола сайли, кишлокларда йил боши:  
Тўхтагай табиатдан Хаккушлар зорланиши

Бахор, кетма менинг богимдан.

Килмиши кингир зотга давр кайда, даврон кайда?  
Ватангадо кимсага беминнат макон кайда?  
Ёлгиз отга оламда ном канда, нишон кайда?  
Бахор, сенсиз сахрою тогу тошга жон канда?  
Кетма, Бахор, менинг богимдан.

Ўлмасликка ишора — ўланга ошиқлигим.  
Саодатга ишора — замонга ошиқлигим  
Теранликка ишора — уммонга ошиқлигим.  
Гўзалликка ишора — бўстонга ошиқлигим.  
Бахор кетма менинг богимдан.

Букун кай бир ерда киш, кайда хазонрезгилик,  
Кайларда ёз, кайда куз, кайда жондан безгилик,  
Кўкларнинг хар нафаси умрга арзиғулик,  
Богсиз, богбонсиз ерда не хам килсин эзғулик...  
Кетма, Бахор, менинг богимдан.

Гиёҳ билан копланмиш кўхна кабр бошлари,  
Майсадаги шудринглар—кимларнинг кўз ёшлари?  
Бу ерда ётар отам хам узангидошлари,  
Хар бахор эслар уни кавми-кариндошлари,  
Бахор, кетма менинг богимдан.

Ёз бўйи корга зорман, кишда бахорга зорман,  
Чаманда гул бўйига интикман, интизорман,  
Куз келман хазон бўлган севги, гулдан безорман.  
Бахорсиз хам диёрсиз эл ичра беназарман,  
Бахор, кетма менинг богимдан.

## **АРМОН**

Бобомнинг орзулари  
амалга ошмас бўлса,  
Юрган йўлимда ўлан,  
кўшиқ калашмас бўлса,  
Кўшиқларим боглардан,  
тоғлардан ошмас бўлса,  
Эл-юрт бахтини куйлаш  
менга ярашмас бўлса,  
Кўнглимда армон ётар  
чўкиб ётган нор мисол.

Хешларимнинг бемаврид  
кўзларида ёш кўрсам,

Бир мард билан нопокнинг  
тақдирин туташ кўрсам  
Кайси бир бегуноҳни  
кенг йўлда адаш кўрсам,  
Бир бетайин кимсанинг  
оёғида бош кўрсам...  
Кўнглимда армон ётар  
терскайдаги қор мисол.

Аро йўлда қолғудай  
бўлса бирор йўлдошим,  
Манзилга етмай туриб  
қокилса қайғудошим,  
Мухтож бўлса қимгадир  
жон аямас қурдошим,  
Бадқор деган ном олса.

### **УМР ЎТМОҚДАДИР ДАРЁ МИСОЛИ**

Эсиз, болаликни қолдириб ордда,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.  
Қолдириб-қолдирмай из бу ҳаётда,  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Оппок тонгни улаб тийраи шомга,  
Бирда шак қелтириб сирли оламга,  
Ғоҳо таъзим қилиб бадқор, бадномга,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Қай кезлар ушалмай орзу-армонлар,  
Бирда қолиб қелиб тулқисимонлар,  
Бирда бой берилиб бебаҳо онлар,  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Денғиздай мавж уриб, қирғоқдан тошиб,  
Юрар йўлимиздан бирда адашиб;  
Қим биландир зимдан мансаб талашиб  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Яратиб не сирлар, не мўъжизалар,  
Қутлуг қун кетидан қун ўтқазилар.  
Беҳуда ўтган дам—қўнгил эзилар...  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ҳар тонгда тўрғайдан олдин уйғониб,  
Чаманлар яратиш ишқиде ёниб,  
Бирде-чи: эътиқод, имондин тониб

Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Эрта билан боғлик—не дамларимиз,  
Билиб-билмай босган кадамларимиз,  
Хайрли иш, алам, карамларимиз  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Кексалик мўралаб эшик кокмоқда,  
Болалик кайтадан кайтарилмоқда...  
Биздан эрта кунга нелар колмоқда?  
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ўлмас созни ўйлаб дегинг келмайди,  
Ўчмас издан сўйлаб дегинг келмайди,  
Мангуликка бўйлаб дегинг келмайди  
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли...

### **ЎХШАР**

Куйга-куй уланур базм окшоми,  
Еру кўк хазонсиз фаслга ўхшар.  
Базм окшоми, бу—назм окшоми,  
Тўйхона бахорий сайлга ўхшар.

Мехнат, мухаббатспз ксчган умрнинг,  
Ёмгирсиз булутдай кўчган умрнинг,  
Шам мисол бир ёниб ўчган умринг  
Мазмуни эскирган наклга ўхшар.

Хаккушга хатарсиз ошён муносиб,  
Кўклам кушларига чаман муносиб.  
Ўйгит-кизга аҳду паймон муносиб,  
Бусиз кўнгил вилу замбилга ўхшар.

Куёвга вафоли каллик ярашмиш,  
Тиллари шакар хам болли ярашмиш.  
На бахтки, юзлари холлик ярашмиш  
Келин гулга, куёв булбулга ўхшар.

Келин кайнонага эш бўлиб юрса,  
Бўй кизлар ичинда пеш бўлиб юрса,  
Таъби равшан вақти хуш бўлиб юрса,  
Юрган ери райхон, жамбилга ўхшар.

Келинчак бор уйнинг кўрки бўлакча,  
Келиннинг куёвга эрки бўлакча.  
Бошида укпар, бўрки бўлакча,

Сочлари сахройи сумбулга ўхшар.

Манзил, муроди бир, аҳди бир бўлмиш,  
Орзу-ўйлари бир, бахти бир бўлмиш,  
Тақдир, талпиниши, тахти бир бўлмиш  
Икки ёшнинг йўли бир хилга ўхшар.

Осмонидан ўлан аримас бу эл,  
Юзга кирмай эли каримас бу эл,  
Теграсига казо даримас бу эл  
Олтин дарвозали Чамбилга ўхшар.

### **ТЕБРАТАР**

(Кадимги кимизчи чоллар кўшиги)

Шамол шамолни тебратар.  
Шамол булутни тебратар.  
Булут ёмгирни тебратар.  
Ёмгир тупрокни тебратар.  
Тупрок майсани тебратар,  
Майса бияни тебратар.  
Бия кимизни тебратар.  
Кимиз йигитни тебратар  
Йигит сулувни тебратар.  
Сулув бешикни тебратар.  
Бешик болани тебратар.  
Бола дунёни тебратар.

### **КАЙДАДИР**

Тогларга ёндошиб, кўкка тутшиб,  
Довонлар ошмасанг маъдан кайдадар.  
Ортда колар бўлсанг кўпдан адашиб  
Орзу-истак тугул армон кайдадир.

Зог билан булбулни фарк қилмас зотга,  
Наф бўлса, нокасдан айрилмас зотга,  
Бошга кун тукканда кайрилмас зотга  
Еру дўст кайдадир, ёрон кайдадир.

Меҳру шафоат бор, шафкат бор ерда,  
Халоллик бор ерда, харом хор ерда,  
Барча бирдай ерда, баробар ерда  
Бадномларга ардоқ, омон кайдадир.

Чорасиз кимсага, чоғсиз кимсага,  
Кўпдан айрилган — бир богсиз кимсага,  
Суюнмок истаса тоғсиз кимсага

Бир муддат армонсиз замон кайдадир.

Одамзод билмаса энди аламини,  
Урушни, ўлимни, кулфатни-гамни,  
Магар такрорласа дахшатли дамни  
Сизу бизга еру осмон кайдадир.

### **СЕНИГСИЗ**

Баркамол ёшинг кутлуг, ажаб кайрилма кош киз,  
Сохибжамоллигинга ой билан кун талош киз,  
Ўзи кўзи, ой юзи танда жонга туташ киз,  
Жунун савдоси солма бу бошга париваш киз.

Тилга кирганми ёрсиз созчининг таронаси?  
Сенсиз келган кўкламнинг борми экан маъноси?  
Васлингга етмок мудом шайдойинг таманноси,  
Сенмасми мани этган бекарор, бебардош, киз?!

Мен учун бу дунёнинг кўркамлиги сен билан,  
Беармону беафгон, бекамлиги сен билан.  
Ўн саккиз минг оламнинг оламлиги сен билан,  
Бу жахонда кўрмасин шахло кўзннг хеч ёш, киз.

Сулув, сенигсиз кўзга кенг жахон тор кўринур,  
Тогларда унган, лола ўрнига кор кўринур,  
Бу лаб бир катра сувга ташнаи зор кўринур,  
Тобакай бўлгай сани ошиёнинг Шош, киз?!

### **КИСМАТ**

Тогларга суяндим таянч бўлсин деб  
Таянч бўлолмади улкан тоглар хам.  
Куёшга топиндим кувонч бўлсин деб  
Болини аяди ўша боглар хам.

Куёшга топиндим кувонч бўлсин деб  
Дариг тутмиш мендан, нетай, нурини.  
Бу бошим тегмаган тош хам колмади  
Айтай энди, сизга, кайси бирини?

Бирларда илтижо килдим фалакка  
Кўлим самовотда муаллак колди.  
Бора-бора ёлгиз-ёртилик дарди  
Бўғзимга тиг-паррон бўлиб кадалди.

Сувлар хам тиниди сунбула келиб  
Тиниб-тиникмади бу кўнглим, хайхот.

На бахор, на ёздан, на тўкин куздан  
Хечам коникмади бу кўнглим, хайхот.

Мустажоб бўлмади ёлворишларим  
Кўнглим ўксик, хаста, кўзларимда ёш.  
Не кора кунларда биронта зот хам  
Бўла билмадилар менга кайгудош.

Гариб, сигиндиман ўзга элларда  
Сигинар кадамжо, мозорим йўқдир.  
Менга ўхшамасин дунёда хеч ким,  
Жон ачир, багрига тортарим йўқдир.

Ойнинг ўн бешимас бари коронгу  
Кўланкаси, тиник кунларим камдир.  
Хун бўлмиш жигарим, кон бўлмиш багрим  
Огзимда кора кон—олдимда жомдир.

Ўз бешигинг туриб ўзга бешикка  
Сукила билмоклик—кисматмасмидир?  
Ўз кўшигинг туриб ўзга кўшикка  
Жўр бўлмоклик—номус, уятмасмидир?

Кимни орка килсам, олдимга ўтиб —  
Тўгон бўла бошлаб, тўсди йўлимни.  
Алхол, бундан яшаб кун кечирмакдан  
Минг бора афзалрок кўрдим ўлимни!

### **АЙРО**

Айро эди асли йўлимиз,  
Алхол колди айролигича.  
Хаклигича колди йўли ок  
Йўли каро каролигича.

Айро эди ниятимиз хам,  
Филхол, колдп айролигича.  
Ошкор бўлгач ниятларимиз  
Эгри кўнгил вайронлигича.

Айро эди бог-рогларнимиз,  
Сарховузи, аъмолигача.  
Тўти саъва бўла билмади,  
Булбул колди гўелигича.

Айро эди хатто кемамиз,  
Борар манзил, маллохимиз хам,

Даргамизнинг айтар кўшиги,  
Ўз суянар панохимиз хам.

Энди тамом айрилар бўлдик,  
Кўнгил колдн сиёлигича.  
Ой тутилиб, Куёш кораймай,  
Дунё колди дунёлигича.

Айро эди кўч-кўронимиз  
Тош-торозу, тамалигича.  
Нор кўзгалар бўлди ўрнидан  
Моя колди моялигича.

Бари колди лек ўртампзда  
Зулмат колди, зиё колмади.  
Ё алхазар! Бирларда эслаб  
Юргулик бир хаё колмади.

Айро эди асли йўлимиз,  
Алхол, колди айролигича.  
Ёр ўнилиб осмон куламай,  
Дунё колди дунёлигича.

### **МЕН ХАМ**

Мен хам умид билан сафарга чикиб,  
Узок манзилларга кўз тиккан жонман.  
Бирда Сирдан тошиб, бирда тутокиб  
Катта йўлга чиккан  
Кичик карвонман.

Бобомнинг армонли замонасида,  
Устодимнинг танхо таронасида,  
Отамнинг аламлп пок сиинасида  
Ушалиб-ушалмай  
Колган армонман.

Магар кимни кўрсам кўзлари ёшли,  
Унга караб турса бир багри тошли,  
Бир ялтоқнинг бўлса багри куёшли  
Кингирга куи бермас  
Киргин—баронман.

Бирга мафтун бўлдим, бирга хавасда,  
Сохиби суханга бу жон пайваста.  
Кўргулик бор ерда—кўнгил шикаста  
Давоси топилмас



Дардга дармонман.

Кимларга кўклам—киш кимга киш—ёздир,  
Кимга кўлмак—теран, уммон саёздир.  
Боз туриб қарганинг умри дароздир...  
Лочинмас, Кузгунга  
Келган киронман.

Дардсиз яшамоклик—дардмандлик асли,  
Бахордан бегубор—болалик фасли.  
Бу дунёни кўрсам гулга киёсли:  
Богли, богчалиман  
Кўкси осмонман.

Дунё яратмоклик дунё демакдир.  
Матлабсиз кимсанинг сийнаси чоқдир.  
Эл-юртга мухаббат—буюк идрокдир  
Бу юрт—бу Ватансиз.  
Бехол, бежонман.

Менга муаббир ҳам таъбир керакмас,  
Таънали, таъмали кабир ксракмас,  
Алхол, заволи бор сабр керакмас.  
Миннатли мададга  
Токатсиз жонман.

Шу ёруг кунларни кўролмай кетган,  
На манзил, на мурод-максадга етган,  
Эл-улус турганда ўзин унутган  
Зотлар багридаги  
Бир катра конман.

Дариг тутма мехринг мендин, табиат,  
Жудо килсангда гар жондин, табиат,  
Лек шуни сўрайман сендин, табиат;  
Аро йўлда кўйма  
Мен ҳам мехмонмай.

### **ЯРАЛМИШ**

Ой юзлик десам сени ойнинг ҳам доғи бордай,  
Кўркамлиқда жамолинг офтобдан бегубордай.  
Табиатинг хамиша кўланкасиз бахордай,  
Умрингни кузи, киши йўқлиги барқарордай.  
Кунда ўйласам сени,  
Тунда ўйласам сени,  
Кўз ўнгимда тиник осмон яралмиш.

Сен пайдо бўлган богда зог бўлмас, хазон бўлмас,  
Булбуллар навосида дард бўлмас, нолон бўлмас,  
Ошик холи танг бўлиб кўксида армон бўлмас,  
Йўлчивиндек саргайиб ранг-рўйи сомон бўлмас.  
Чилла чоги—кишда хам  
Бир ўнг эмас, тушда хам.  
Босган изларингда бўстон яралмиш.

Хар кўрганда бўйингни кўзим камашса нетай,  
Кувончларим калбимда денгиздай тошса нетай?  
Танда жоним жонингга зимдан туташса нетай?  
Толейинг, икболимга бу хол ярашса нетай?  
Бахтим, баётим учун,  
Порлок хаётим учун  
Сен каби кўзлари Чўлпон яралмиш.

Жонимиз бу диёрга кўз-кошдай тутош асли,  
Тоғу тошлари билан номимиз уйкош асли.  
Дастурхон, хирмон гапми, ўртада куёш асли,  
Бунда бирнинг бахтига барча тилакдош асли.  
Суюклигим, элдошим,  
Отадош, ватандошим.  
Сенинг учун еру осмон яралмиш.

Ошиклар ўз холини ёзмишлар дoston билан,  
Хар катор, хар бандини кўз ёши, ё кон билан,  
Ўтмасин бу оламдан ҳеч киши армон билан,  
Хамдард бўлмасин доно турганда нодон билан.  
Эл ичра номимизни  
Аҳду паймонимизни  
Улугловчи улкан дoston яралмиш.

Бу элда паймон бўлган гул, гулбоғни кўрмадим  
Ҳеч бир кўнгил, юракда армон, доғни кўрмадим.  
Ташландик холда сўнган шамчирокни кўрмадим  
Чаманли боғли элда  
Сўнмас чирогли элда  
Булбулга муносиб ошён яралмиш.

Одамзод бу оламда тугал, камсиз яралмиш,  
Бирок кимлар карамсиз, кимлар гамсиз яралмиш.  
Ўз каддини билмаслар дўст, хамдамсиз яралмиш.  
Севиб, севилмаганлар, сўзсиз, шамсиз яралмиш.  
Неча асрлар оша,  
Бахтимизга яраша,  
Тимсолсиз бу кутлуг даврон яралмиш.

## **БЎЛМАСА**

Сайёралар нотинч, уммонлар нотинч  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.  
Наслу насаб нотинч, замонлар нотинч  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Не килсин давраю дплда шодмонлик  
Барча китъаларда кут, фаровонлик.  
Кўшинда собитлик, элда омонлик  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Магриб нотинч бўлса безовта машрик  
Дўст дўстдан имдодин тутгайми дариг?  
Каер зулмат ичра, каердир ёруг  
Магар ер юзида типчлик бўлмаса.

Элчилар кўнглида гулгула мудом,  
Хавфу хатар кезар кадам-бакадам.  
Кай бир бегунохнинг кўзларида нам  
Магар ер юзида типчлик бўлмаса.

Захар бўлмасмидир ичган ошлар хам  
Ер-кўкка сигмагаи азиз бошлар хам.  
Элак-элак бўлур тоғу тошлар хам  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

Файз не килсин богу бўстон ичинда  
Тўй ўрнига аза дoston ичинда.  
«Караб туриш пўкдир!» фармон ичинда  
Магар ер юзида тинчлик бўлмаса.

## **САДАГА**

Хумор кўзлигимдан бу жон садага,  
Бу жон нима эмиш, жахон садага.  
Килмагил бу сўзга гумон; садага  
Сенсиз рўйим бўлар еомон, садага.

Лола сендан олмиш ўз оллигини,  
Барчин, ўз лафзининг халоллигини.  
Тан олмас сенингсиз он ойлигини,  
Кошингда лол колур жайрон, садага.

Бахордай дуркунсан, бир сарвинозсан,  
Хушласанг чиллада кўкламсан, ёзсан.  
Кахринг келса магар дўлсан, аёзсан.  
Багримни этмагил гирён, садага.

Сулув, сен сабабли афсунсозлигим,  
Замину замонга ишкибозлигим.  
Умринг бокий бўлсин, гул оразлигим,  
Бу кўнгил сен билан шодон, садага.

Рахм анла рамзингга ташна калб зордир,  
Кўзларим йўлингда кўп интизордир.  
Масканим Гулистон—бир чаманзордир.  
Бир окшом бўлиб кет меҳмон, садага.

### **ГУЛ БИР ЁН, ЧАМАН БИР ЁН**

Чаман ичннда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён.  
Сарви, санобармидир? — соч бир ён, суман бир ён.  
Сахар, субхи содикда мушк бир ён, мужгон бир ён.  
Тун пардасин тортса гар, он бир ён, осмон бир ён.

Ўсган богига олков, ўстирган богбонига,  
Хавфу хатардан саклай келган соябонига.  
Андалиб кўнар, зоглар кўнолмас бўстонига.  
Мактовига мен бир ён, борлик сухандон бир ён.

Хаким зоти бор ерда дард бир ён, дармон бир ён.  
Ёринг жафокаш бўлса уй бир ён, зиндон бир ён.  
Икки жон бир бўлмаса шам бир ён, шамдон бир ён.  
Айри бўлса йўллари—туг бир ён, шамдон бир ён.

Кўрикчиси бўлардим богимда унар бўлса,  
Кузим келмай баҳорим кайта бошланар бўлса,  
Солномачиси бўлай магар у Камар бўлса,  
Касам ичиб айтаман: намак бир ён, нон бир ён.

Кумри, саъва ошиён айлар бир гулафшон бу.  
Бир кокили Сир бўлса, у бири Зарафшон бу.  
Илохий санамлардан бир зурёд, бир нишон бу.  
Керак бўлса магар жон, жон бир ён, жахон бир ё

Бу оламда Ой танхо, муборак Куёш танхо.  
Бўй кизларнинг ичинда шу бир эгма кош танхо.  
Унингдек ҳеч ким менга бўлмаса сирдош танхо  
Гўрўгли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён.

### **ТАВАЛЛО**

Нелардандир кўнгил бўлиб гаш,  
Хам эгилиб бу эгилмас бош,  
Кўзларимда калкиб турса ёш  
Бу холимга беролмай бардош.

Муштипар Онам йиглайдир,  
Колганлари ёлгон йиглайдир.

Кайтар бўлсам курук кўл овдан,  
Кора козон колса кайновдан;  
Хам айрилиб ўлжа, уловдан,  
Карзга ботар бўлсам бировдан  
Таскин бериб Онам йигландир,  
Колганлари ёлгон йиглайдир.

Бирда хакдин, бирда нохакдин,  
Жабр кўрсам бир бетовфикдин  
Ортда турсам калби курокдин,  
Кадрим хароб бўлса тупрокдин.  
Охлар уриб Онам йигландир,  
Колганлари ёлгон йиглайдир.

Ога-ини ўртасида гап...  
Алхол, келиб чикмиш ихтилоф:  
Бири иззат, бири мулк талаб  
— Бу ок сутим, меҳримга хилоф, —  
Дея шўрлик Онам йиглайдир,  
Колганлари ёлгон йиглайдир.

Синалмокнинг гали келганда,  
Нохак маглуб бўлсам майдонда,  
Номим колмас бўлса жахонда,  
Ким дўст—душман билинар онда,  
Ахволимга Онам йиглайдир,  
Колганлари ёлгон йиглайдир.

Ганим бир ён, мен бир ён бўлсам,  
У устивор, мен урён бўлсам,  
Бу хам камдай ногирон бўлсам —  
Огоч отга ёнма-ён бўлсам  
Ой тутилиб, Онам йиглайдир,  
Колганлари ёлгон йиглайдир.

Бўлсам гумрох, бўлса гунохим,  
Вужудимга солмасдин вахм,  
Кабул айлаб тавалло — охим,  
Дариг тутмай меҳринг, илохим,  
Йиглатмагил мушфик Онамни,  
Волидаи Мухтарамамни.

## **ОЛКОВ**

Шу кора тупрок, шу хоки пок ердан,  
Йил бўйи тўкилган пешона тердан,  
Истаса бий дала, сахрою кирдаи  
Ок олтин яратар дехкон кўллари.

Буюк, кабирлигин килмай тамалар,  
Толалардан уюб туман тонналар,  
Вақтида йўлбарсдай тортиб наъралар  
Ок олтин яратар дехкон кўллари.

Унвон тама килмай, шаън тама килмай,  
Тинчиб, тинмаслигин хам шама килмай,  
Химмат, хамиятда тенги топилмай  
Ок олтин яратар дехкон кўллари.

Эл-юрт ифтихори—унинг бойлиги,  
Ўз ишига мудом шердай шайлиги.  
Таърифга сигмагай хотамтойлиги  
Ок олтин яратар дехкон кўллари.

Юзларга суртгулик—босган излари,  
Ишда издошлари—ўгил-кизлари.  
Бедор ўтиб доим бахор, кузлари  
Ок олтин яратар дехкон кўллари.

Довонлар забт этиб, довонлар ошиб,  
Шаъни-шавкатига кўшнк ярашиб  
Уйган хирмонлари кўкка туташиб,  
Ок олтин яратар дехкон кўллари.

## **БОЛАЖОН**

Кўнгилга ёвуксан кўз билан кошдай,  
Губори йўк тонгда чиккан куёшдай.  
Гўзалликка номинг гўё уйкошдан,  
Жону жахонимиз сенга тутошдай.  
Хавасим келади сенга, болажон.

Зарра хабаринг йўк дунё ишидан,  
Фалакнинг кай йўсин айланишидан,  
Атом вахимаси эл ташвишидан,  
Кимнинг кулиб, кимнинг кайгуришидан.  
Хавасим келади сенга, болажон.

Теран, тиникликда чашмасан, чашма,  
Бу олам каршингда килар карашма.  
Бундан сен кувонма, ховликма, шошма,

Хали манзил йирок, йўлдан адашма,  
Хавасим келади сенга, болажон.

Ўйнаб, келмоқликдан ўзга гаминг йўк,  
Бир нафас хасратда ўтган дамнинг йўк,  
Кимсада гаразинг, ўч, аламинг йўк,  
Билгимча дунёда сира каминг йўк,  
Хавасим келади сенга, болажон.

Ўйлайсан йил бўйи мудом бахор деб,  
Бахорсиз бу дунё беътибор деб.  
Хамминг бир хилда ташвиши бор деб,  
Барчани ўзингдай пок, бегубор деб...  
Хавасим келади сенга, болажон.

Офтобдай безавол, охудай соксан  
Сен элик боласи — ўйинкароксан,  
Кўксимизда мудом ўчмас чироксан,  
Гурбатдан холисан, гамдан йироксан,  
Хавасим келади сенга, болажон.

Оламда сен билан она шодлиги,  
Бахти бархаклиги, умрбодлиги.  
Бегард, ўқинганинг — дил барбодлиги,  
Хавасим келади сенга, болажон.

Сенинг кўзинг билан кўпни кўролсам,  
Сенинг сўзинг билан дилга киролсам,  
Босган изинг бўлиб гулга ўролсам,  
Сенинг ўзинг бўлиб, кайта яралсам,  
Хавасим келади сенга, болажон.

### **ОКПАДАР**

Тог тўшидан жой олган оппок корми?  
Ўз фарзандин меҳрига конган борми?  
Кулок солинг гапимга, хай яхшилар,  
Ок сут берган онадан тонган борми?

Хаёсиз инсон багри тош бўлади,  
Килмишин кўриб кўнглинг гаш бўлади.  
Отаси картайганда рўзгорига  
Акли бутун йигитлар бош бўлади.

Сув кўйилса шўр ернинг тузи кетар,  
Ўтга тушган узукнинг кўзи кетар,  
Ахмокка хотин битса, хаво боглаб,

Тўкканин хам унутиб эси кетар.

Бу кишда ён кўшнимиз тўй берганди,  
Сўйиш учун бир неча кўй берганди  
«Ниятга етдик» деган чол-камбирнинг  
Бахтига шу ходиса рўй берганди:

Келин-куёв чиллани ёз этдилар.  
Сув сепишиб, ўйнашиб, боз этдилар.  
Орадан бир он ўтмай келин кургур  
Кўёвига киншанглаб, ноз этдилар:

— Белга тушган сочимни ўролманман,  
Кўл туриб, бошга рўмол ўролмайман.  
Онангиз ундай экан, дадангиз-чи..  
Мен бу уйда ортикча туролмайман.

Ха-ха, сеники тўгри, деди йигит,  
Янги рўзгор гамини еди йигит.  
Ажралдилар. Чол-камбир каргандилар:  
— Саткаи сенга берган панду ўгит!..

Окпадар чол-камбирни ташлаб кетди.  
Кўксин ўртаб кўнглини гашлаб кетди,  
Совук сувга кўл урмас таннозини,  
Етаклаб каёккадир бошлаб кетди.

Бедов от туёгидан тайриларми?  
Мард йигит тўгри йўлдан кайриларми?  
Номуси, орияти бор йигитлар  
Ёри деб тукканидан айриларми?

### **МЕНИ МАФТУН КИЛМОК ИСТАРСЕН...**

Ўйлатмаган сен эдинг, сўйлатмаган сен эдинг,  
Не бир куйларга солиб кунлатмаган сен эдинг.  
Бирда сайратиб, бирда бўзлатмаган сен эдинг,